


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 15 октябрь, № 199 (6129) Чоршанба


Ўзбек толаси:

# ЮКСАК СИФАТНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ҳар томонлама самарали ўтиб, юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.





*Икки кун давом этган мазкур нуфузли тадбирда* **580000 тонна** *ўзбек пахта толаси ҳамда умумий қиймати бир миллиард АҚШ долларидан зиёд тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича шартномалар имзолангани бунинг яққол далилидир.*



Дарҳақиқат, бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўзбек толасининг экспорт қилиш бозор механизмларини янада ривожлантириш, ҳамкорлар сафини кенгайтириш, энг асосийси, янги бозор йўлакларини очишда муҳим восита бўлди. Унда жаҳоннинг 50 га яқин давлатидан 1000 дан ортиқ компания ва фирмалар вакиллари иштирок этиб, юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини боғлашга муваффақ бўлдилар. Бу ўзбек пахта толасининг жаҳон бозоридаги мавқеи юксалиб, рақобатбардошлиги тобора ошиб бораётганидан дарак беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича бешинчи ўринда туради. Илгари толамиз, асосан, Европа давлатлари томонидан сотиб олинган бўлса, эндиликда уларнинг сафига Хитой, Бангладеш ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам қўшилди. Буни мутахассислар, энг аввало, ўзбек пахта толасининг сифат кўрсаткичлари юқорилиги, айни чоғда тўғри экспорт сиёсати юритилаётгани билан изоҳлашмоқда.

Бинобарин, жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчиси — Ўзбекистонда оқилона экспорт сиёсати юритилаётгани, барча харидорларга тенг имконият яратилгани, сифатли хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича ўзига хос қулай тизим мавжудлиги муваффақиятларни янада мустаҳкамлаётир.

— Ўзбекистон ва Бангладеш ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, савдо алоқалари Соҳибқирон Амир Темур даврида ўрнатилган, — дейди Бангладеш пахта уюшмаси президенти М. Аюб. — Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди. Иқтисодиётнинг барча жабҳаси, айниқса, тўқимачилик соҳасидаги алоқаларимиз йил сайин кенг кўлам касб этаяпти. Бунинг исботи тариқасида 2012 йилда Бангладеш жами пахта толаси импортининг 22 фоизи, 2013 йилда 28 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келганини айтиш кифоя, назаримда. Навбатдаги тадбир ҳам биз учун самарали кечди. Унинг доирасида 175 минг тонна пахта толаси харид қилиш бўйича келишувларга эришдик.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2014

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайлов кампанияси қизғин паллага кирмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда.*

## Сайлов кампанияси демократик мезонлар асосида олиб борилмоқда

Самарқанд вилоятида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов бўйича сайлов кампаниясини демократик принципларга мувофиқ юксак савияда ташкил этиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

— Ўзбекистонда сайлов кампанияси бошланиши расмий эълон қилинганидан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига ҳудудда сайловолди жараёнини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ташкил қилиш масалалари киритилди, — дейди Самарқанд вилоят сайлов комиссияси раиси А. Умаров. — Вилоят Кенгаши депутатлари сайлови 60 та сайлов округида бўлиб ўтади. Уларнинг ҳар бирида ўртача 38,1 минг нафар сайловчи овоз беради. Вилоят сайлов комиссияси томонидан сайлов округлари ташкил қилинди, округ сайлов комиссиялари таркиби шакллантирилган. Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сайловга тайёргарлик кўриш босқичлари ҳақидаги барча ахборотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда. Календарь режасига мувофиқ қарийб 950 та сайлов участкасини ташкил қилиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга киришилди. Самарқанд вилоятида давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловида 2 миллион 290 минг нафар сайловчи иштирок этиши кутилаяпти. Вилоятимиз аҳолиси ижтимоий-сиёсий ҳаётда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётгани сайловларнинг муваффақиятли ўтишини тахмин қилиш имконини беради.

Сирдарёда ҳам вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари ташкил қилинган бўлиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари жадал давом этмоқда. Уларнинг асосий вазифаси сайлов кампаниясини демократик принципларга мувофиқ очиқ ва холис ҳамда юксак савияда ташкил қилишдир.

— Вилоятимиз аҳолиси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни юзасидан тегишли саволлар билан мурожаат қилишларида қулайлик яратиш мақсадида сайлов комиссияларининг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган рўйхати матбуотда эълон қилинди, — дейди Сирдарё вилоят сайлов комиссияси раиси А. Тошқулов. — Фаолиятимизни самарали ташкил қилиш учун барча имконият мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР

*Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг "Мамлакатни янада модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш" қўшма лойиҳаси бошланди.*

## Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситалари роли ва ўрнини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлаш, журналистларнинг вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари билан алоқаларини яхшилаш, журналистлар малакаси ҳамда ихтисослашувини чуқурлаштиришни мақсад қилган мазкур лойиҳада юз нафардан зиёд соҳа ходимлари, PR-мутахассислар турли ижтимоий аҳамиятга эга масалалар, жамиятни сиёсий модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнларига бағишланган семинарлар ҳамда давра суҳбатларида иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

*Хабарингиз бор, шу ойда Урганч шаҳрида "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.*

## Табиий мувозанатни сақлаш — долзарб вазифа

Унга тайёргарлик кўриш жараёнида ташкилий қўмита томонидан давра суҳбати ўтказилди. Йиғилишда Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, манфаатдор идоралар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Шубҳасиз, сув ресурслари Орол денгизи ҳавзаси барқарор ривожланишини таъминлашда ҳал қилувчи омилдир. Минтақамиз шароитида сув ҳамиша ҳаёт, аҳоли фаровонлиги ва ободлиги манбаи бўлиб келган ҳамда у давлатлар тараққиёти суръатини белгилаб беради.

Шу маънода, Орол фожиаси ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида гапирар эканмиз, обиҳаётдан оқилона ва тежаб фойдаланиш, ҳудуддаги экологик ҳамда сув мувозанатини асраб-авайлаш, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан узвий боғлиқ эканини яхши англаймиз.

Орол денгизининг қуриши Марказий Осиё мамлакатлари экологиясига жиддий зарар етказди. Жумладан, Амударё ва Сирдарё бўйида тупроқ ҳамда ўсимлик дунёси деградацияси кузатилиб, флора ва фаунанинг кўплаб турлари йўқолиб кетди. Оқибатда ҳудуд биохилмахиллигига ўнглаб бўлмас зарба берилди. Ҳар йили атмосферага қуриб бораётган денгиз тубидан 75 миллион тоннадан зиёд чанг ва зарарли тузлар кўтарилаётир.

Тадбирда мазкур муаммо долзарблиги алоҳида таъкидланиб, аҳоли генофондини муҳофаза қилиш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий равнақ топиши ҳамда ҳаёт сифатини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Иқтисодиётнинг муҳим йўналиши

*Президентимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилгани, одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанларини, савдо карвонлари йўллари кесишган Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.*

МУНОСАБАТ

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда халқимиз ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган сайёҳлик тармоғини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Чунончи, ўтган даврда Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналар сони, транспорт ва сервис хизматлари кўрсатиш ҳажми ва сифати даражаси ошди. Сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм каби кўплаб замонавий турлари ўзлаштирилмоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо этилаяпти.

Албатта, буларнинг барчаси диёримизга келаётган хорижлик сайёҳлар сонининг йилдан-йилга ошиб боришига хизмат қилаётир. Буни 2013 йилда юртимизга дунёнинг турли жойларидан икки миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюргани, ўтган икки йил мобайнида эса мазкур кўрсаткич 43 фоиз ўсгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, тобора такомиллаштириб борилаётганини қайд этиш жоиз. Чунончи, "Туризм тўғрисида"ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, уларнинг ижросини таъминлаш доимий эътибордаги масалалардан бири бўлиб келаётгани фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон банк тизими:

## АҲОЛИНИНГ ИШОНЧИ ОШИБ БОРМОҚДА

ИСЛОҲОТ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар инсон манфаатлари, Ватан равнақи ва халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш каби улуғ мақсадлар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ислоҳотларнинг самараси, яъни иқтисодиёт барча тармоқларининг барқарор ва юқори суръатларда тараққий этиши эса банк тизимининг ривожига боғлиқ. Дарҳақиқат, бугунги кунда бу борада банклар етакчи кучга айланганини нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик экспертлар ва мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзлари яққол тасдиқлаб турибди.*

**Роман КОРНЕВ, "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Биринчи таҳлилчиси:**

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланиб бормоқда. Бунда, табиийки, давлатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, мамлакатингизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришиб, модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳисобидан юқори суръатларда равнақ топаётгани диққатга сазовордир.

Маълумки, жаҳонда рўй берган глобал иқтисодий инқироз айрим давлатлар банклари молиявий аҳволига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатиб, улар ликвидлигининг пасайиб кетишига олиб келди. Шундай бир шароитда халқаро рейтинг компаниялари кўпгина йирик молия муассасаларига берилган юқори рейтинг баҳоларини қайтадан кўриб чиқиб, амалдаги кўрсаткичларини бир неча поғона пасайтиришга мажбур бўлгани ҳам сир эмас.

(Давоми 4-бетда).

# Ўзбек толаси: ЮКСАК СИФАТНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган қисқа давр мобайнида халқаро пахта бозорининг муҳим иштирокчиларига айланган “Ўзмарказимпекс”, “Ўзинтеримпекс” ва “Ўзпроммашимпекс” давлат ташқи савдо компаниялари замонавий савдо усулларини қўллаш орқали ўз маркетинг стратегиясини амалга ошираётгани ҳамкорларга ҳар томонлама манзур бўлаётир. Мисол учун, доимий стратегик шерикларга эга ушбу ташқи савдо компанияларида ўзбек толасини бутун пахта мавсуми давомида бир маромда етказиб бериш имконияти мавжуд.

X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар. Шунингдек, улар тадбир давомида пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани харидорларга етказиб бериш хизмати, калава ип, тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар тайёрлаш жараёнлари билан бевосита жойларга чиқиб яқиндан танишдилар.

Меҳмонлар дастлаб Тошкент вилоятидаги “Ўзбекистон” пахтани қайта ишлаш заводида бўлишди. У “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланиб, бу ерда модернизациялаш лойиҳалари доирасида энг замонавий пахта тозалаш, тола ажратиш ва уни тойлаш ускуналари ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ошиб, йилига 20 минг тонна хом ашё сифатли қайта ишланаяпти.

— Пахта йиғим-терими якунланаётган ҳозирги кунда фермер хўжаликлари билан тузилган шартномага кўра, янги пахта ҳосили қабул қилиб олиниб, улар пешма-пеш қўлдан чиқарилаяпти, — дейди ушбу корхона раҳбари Шукуржон Абдураззоқов. — Бу йилги пахтанинг сифати юқорилиги туфайли рақобатбардош тола олинмоқда. Умуман олганда, кейинги йилларда заводимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ошиб бориши кузатилаяпти. Бугунги кунга келиб, “Олий” ва “Яхши” синфларга мансуб толанинг улуши 87,3 фоизгача ортгани бунга мисолдир.

Бу каби юқори сифатли хом ашёни ўзимизда чуқур қайта ишлаш ҳажмини муттасил ошириб бориш эса соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан саналади. Шу мақсадда тизимга хориж инвестицияси жалб қилинган ҳолда, янги замонавий корхоналар барпо этилаяпти, мавжудлари эса тубдан модернизация қилинаётир. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортда тайёр ва яримтайёр тўқимачилик маҳсулотлари улушини кўпайтириш имконини бераяпти. Мана, исботи: агар ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган толанинг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил этаяпти. Бу ҳали чегара эмас. Мутахассисларнинг айтишича, у 2016 йилда 60 фоизга етказилиши кутилаяпти.



Тошкент вилоятидаги “Uztex-Chirchiq” тўқимачилик фабрикаси — хом ашёни чуқур қайта ишлаш йўлга қўйилган илғор ишлаб чиқариш субъектларидан. Бу ердан ташқи бозорга, асосан, тайёр маҳсулотлар етказиб берилаяпти. Ушбу корхона фаолияти билан яқиндан танишган чет эллик мутахассислар юртимизда тўқимачилик саноатини тараққий эттиришга қаратилган ислоҳотлар беқиёс самаралар бераётганига амин бўлганликларини қайд этдилар.

— Очиғи, корхонада яратилган шарт-шароит, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати мени ҳайратга солди, — дейди Буюк Британиянинг “Wayrex LLP” компанияси вакили Жан-Клод Бюжен. — Жамоада толадан ип йигириш, ундан мато тўқиш, газламани бўяш ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани таҳсинга лойиқ. Мазкур фабрика юртингизда амалга оширилган юзлаб йирик лойиҳалардан бири эканлиги тўқимачилик салоҳиятингиз ниҳоятда юқорилигини яққол кўрсатиб турибди. Корхонада меҳнат қилаётган кишиларнинг аксарияти ёшлар эканлиги ҳам эътиборимни тортди. Ишончим комилки, келгусида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари, хусусан, кийим-кечаклар экспорти бўйича ҳам юқори ўринларни забт этади.

“Uztex-Chirchiq” корхонасида йилига 11 минг тонна калава ип, 6,4 минг тонна бўялган мато, 4 минг тонна бўялган калава ип, 10 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарилаяпти. Уларнинг сифати юқорилиги боис ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинаётгани бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш керакки, толамиз экспортининг ошишида логистика хизматининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги “Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори, айтиш мумкинки, шундай хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган йигирма битта пахта терминали фаолиятини янада кенгайтирган бўлса, айни пайтда юртимизда 410 минг тонна пахта толасини бир вақтда сақлаш имкониятига эга тўртта омбор ишлаб турибди.

Ярмарка иштирокчилари “Тошкент-тола” ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалига ташриф буюриб, унинг мисолида юртимиздаги шундай субъектлар фаолияти билан танишишга муяссар бўлдилар.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Тошкент-тола” пахта терминали омборларида бир пайтнинг ўзида 45 минг тонна ҳажмидаги пахта толасини сақлаш мумкин. Умумий омборларнинг бир қисми эса эркин омбор тизимига ўтказилгани харидорлар учун янада қулайлик яратади. Сабаби, харидор сотиб олган хом ашё, унинг хоҳишига кўра, олиб кетилгунгача уларда сақланиши таъминланади.

Шу билан бирга, бу ерда амалга оширилаётган модернизациялаш тадбирлари натижасида харидорларга шу жойнинг ўзида пахта хом ашёсини намойиш қилиш ва унга оид барча маълумотлар билан танишиш имкони берилаётгани ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистон “Сифат” марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти каби хизматларнинг терминал ҳудудида мавжудлиги эса бу ишларни қисқа фурсатда амалга оширишда қўл келмоқда.

— Юртингизда анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси соҳадаги муҳим тадбирлардандир, — дейди “Cotton Outlook” халқаро агентлигининг бошқарувчи директори Р. Батлер. — Унда мунтазам қатнашиб, юқори савияда ташкил этилаётгани, томонлар учун самарали бўлаётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Ярмаркада ўзбек толаси харидорларига тенг имкониятлар берилаётгани, шартнома тузиш, етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай чекловнинг мавжуд эмаслиги унинг нуфузини янада орттираяпти. Кейинги йилларда толанинг баҳоси талаб-таклифдан келиб чиқиб, ўзгариб турган бир шароитда ўзбек толасига бўлган эҳтиёжнинг муттасил ўсиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Жаҳон пахта бозорининг бу йилги Тошкент форуми кундалиги ранг-баранглиги билан унга ташриф буюрган тўқимачилик саноатидаги етакчи компанияларнинг 1000 нафардан зиёд трейдер ва вакилларида катта таассурот қолдирди, десак, муболаға бўлмайди. Нега деганда, тадбир қатнашчилари биржа савдолари билан чекланиб қолмасдан, балки долзарб мавзулардаги ялпи мажлис ва давра суҳбатларининг иштирокчиси сифатида жаҳон пахта бозоридаги бугунги вазиятни муҳокама қилиш, энг асосийси, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларида рўй бераётган янгиланишлар, ҳудудларнинг саноат салоҳияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Катта ҳажмда тола ва тўқимачилик маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузишга эришдилар.

Хорижлик инвесторлар ўз бизнесини мамлакатимиз билан боғлашга интилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон жаҳонда пахтачилик ва тўқимачилик тармоғи жадал ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб, бу ерда етиштирилган юқори сифатли пахта толаси ташқи ва ички бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омилдир. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси эса толамизни ҳеч бир воситачисиз, тўғридан-тўғри сотиб олиш имкониятини туғдиргани, айниқса, қувонарли.

Мухтасар айтганда, икки кун давом этган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси саноатимизнинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, мавқеини бир поғона оширди. Зеро, ўзбек толаси ўзининг юксак сифат кўрсаткичлари билан жаҳон бозорида тобора харидоргир бўлиб бораяпти.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Сайлов кампанияси демократик мезонлар асосида олиб борилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Замонавий компьютерлар интернетга уланган, комиссия кутубхонасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари нафақат аъзоларимиз, балки фуқаролар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилмоқда. Округ сайлов комиссияларига яқиндан кўмак бериш вилоят сайлов комиссияси фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айни кунда сайлов комиссиялари аъзоларининг қонун нормалари, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилишга ҳозирлик кўрилмоқда.

— Комиссиямиз таркибига округ ҳудудида яшовчи обрў-эътиборга сазовор бўлган энг ҳурматли кишилар жалб этилди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи 36-“Зарбдор” округ сайлов комиссияси раиси А. Абдулакимов. — Улар орасида ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, фермерлар бор. Бизнинг округимизда бешта сайлов участкаси тузиш мўлжалланган бўлиб, улар 8 минг 876 нафар сайловчига хизмат қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида сайловчилар билан учрашаяпмиз, уларга сайлов кампаниясининг ўтказилиш босқичлари ва қонунчиликдаги янгиликларни тушунтирмоқдамиз. Эътироф этиш керакки, бугунги сайловчи ўз мамлакатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишни истайди, сайловнинг қандай ўтиши, вакиллик органларида ким кўп ўрин эгаллашига бефарқ эмас.

Андижон вилоятида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

— Ушбу муҳим жараёнда вилоятимиз бўйича 1 миллион 923 минг 744 нафар сайловчи иштирок этиши кутилмоқда, — дейди Андижон вилоят сайлов комиссияси раиси А. Султонов. — Маъмурий ҳудудда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 50 та округ тузилди. Овоз бериш ташкил этиладиган сайлов участкаларининг умумий сони тахминан 750 тани ташкил қилади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида вилоят сайлов комиссиясининг таркиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси қарорини бажариш мақсадида календарь режаси ишлаб чиқилди. Айни вақтда комиссия аъзолари жойларда бўлиб, сайлов қонунчилигини кенг тушунтиришмоқда. Бунда қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Сайлов комиссияларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш сайлов жараёнининг муҳим босқичидир. Зеро, айнан сайлов комиссиялари мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбирни ўтказишда қонунийликни таъминлашга масъулдирлар.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига 66 кун қолди. Демак, унга пухта тайёргарлик кўриш учун барча саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этиш, эркин, очиқ ва адолатли сайловлар учун шароит яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Иқтисодиётнинг муҳим йўналиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур анжуман, шак-шубҳасиз, жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги аҳволи ва истиқболлари хусусида тажриба алмашиш, бу борадаги янги тенденциялар, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш, ушбу фаолиятни янада ривожлантириш билан боғлиқ омилларни дунё аҳли билан биргаликда излаш, ҳамкорликнинг самарали шаклларини жорий қилишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Шу нуқтаи назардан, халқаро анжуманда Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти эътироф этилди. Албатта, буни унинг турли даврларда бунёд этилган меъморчилик, тарихий ва табиий ёдгорликлар, экотуризм билан боғлиқ бетакрор гўзал ландшафтлар, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мавжудлигида кўриш мумкин.

Зеро, бугун Ўзбекистонга ташриф буюраётган кўплаб сайёҳлар юртимизнинг ўзига хос жиҳатлари, қадриятлари, тарихий обидалари, флора ва фаунасини кўришга қизиқиш билдиришмоқда. Бундан англашиладики, айни пайтда жабҳадаги тармоқлар, айниқса, экологик туризмни тараққий эттириш, ушбу тармоқнинг ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитларини янада яхшилаш, уни мустақил соҳа сифатида жадал ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни давр тақозо этаётир.

Шу маънода, халқаро анжуманда ҳудудларимизнинг сўлим ва гўзал гўшалари, тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, “Буюк Ипак йўли” брендини кенг жорий этиш каби лойиҳаларни амалга ошириш, бунда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорлигимиз самарали қўл келиши алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, бу юртимизнинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бинобарин, экологик туризм нафақат табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шу билан бирга, атроф-муҳитни асраб-авайлашни тарғиб қилишнинг самарали воситаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

**Раҳимахон ҚЎРҒОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# Табиий мувозанатни сақлаш — долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тегишли вазирликлар ва ташкилотлар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш учун мўлжалланган лойиҳа таклифлари халқаро ташкилотлар ва донорлар эътиборига ҳавола этилди.

Маълумки, Ўзбекистон 2013 йилдан буён Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилиб келаяпти. Пойтахтимизда ушбу жамғарма Ижроия қўмитаси фаолият юритмоқда. Унинг фаолияти Орол денгизи минтақасидаги аниқ дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш йўлида халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда донорлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, уларни бу жараёнга кенг жалб этишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон раислиги даврида Орол ҳалокатининг салбий асоратларини юмшатишга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан соғлиқни сақлаш, сув таъминоти тизимини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги секторини янада янгилашга оид қарорлар қабул қилинди. Оролбўйида қатор лойиҳалар амалиётга жорий этилаяпти. Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари ташкил қилиш, қуриб бораётган денгиз туби ҳудудларида маҳаллий дарахт-бута ўсимликларидан иҳотазорлар яратиш, Тахтакўпир туманидаги аҳоли пунктларида тузсизлантирадиган қурилмали сув олиш иншооти қуриш шулар жумласидандир.

**М. САИДОВ.**

# Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳа ишини “Замонавий ахборот хизматларининг ОАВ, жамоат ва сиёсий ташкилотлари билан ишлаш шакллари ва усуллари” мавзуидаги икки кунлик семинар бошлаб берди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар ахборот хизматлари вакиллари, марказий ҳамда ҳудудий нашрлар ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини самарали рўёбга чиқариш, давлат органлари фаолияти очиқлигини ҳар томонлама таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, Конституциямизда ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шулар асосида замон талабларига жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий база яратилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг кучга кириши бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомига айланди.

Бинобарин, юртимизда мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш диққат марказида бўлиб келаётир. Ушбу жараёнларда Жамоат фонди ҳам қатор лойиҳалари билан иштирок этмоқда. Жумладан, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамда “Минтақавий мулоқот” (Словения) халқаро нодавлат ташкилоти билан қўшма лойиҳалар доирасида қатор тадбирлар ўтказилди. Уларда 30 дан зиёд семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва анжуманлар ташкил этилди, 500 нафардан ортиқ ахборот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, хорижий экспертлар қамраб олинди.

Интерактив руҳдаги навбатдаги семинарда мавзуга доир маърузалар тингланди, ахборот хизматларининг илғор тажрибаси тақдимоти ўтказилди. Унда тегишли таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадбирда бу каби лойиҳалар соҳа вакиллари ўртасида тажриба ва фикр алмашиш, янги билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиш учун қулай муҳит яратишга хизмат қилиши эътироф этилди.

**М. ҚОСИМОВ.**

# Электрон тижорат равнақи ва қонунчилик

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан электрон тижоратнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, тегишли ишчи гуруҳ аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, Марказий банк ва тижорат банклари вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари, экспертлар қатнашди.*

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тадбир электрон тижоратни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш, мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш, амалдаги қонунчилик, аввааламбор, янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда улар ёрдамида кўрсатилаётган хизматларни ҳаётга самарали татбиқ этиш ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча йўналишлари, жумладан, бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Бундан ташқари, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига янада интеграциялашуви, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам илғор технологияларни қай даражада қўллашга боғлиқ.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасида самарали қонунчилик базаси яратилган. Замонавий телекоммуникация инфратузилмасини барпо этиш борасида ислоҳотлар босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. Шу туфайли давлат ва жамият қурилиши, айниқса, иқтисодиёт ва бизнес тармоқларини ахборотлаштириш жараёнлари жадал кечмоқда, электрон тижорат ва электрон тўловларнинг замонавий тизимлари амалиётга жорий этилмоқда. Интернет тармоғи миллий сегменти фаол равнақ топаётир.

Хусусан, 2013 йилда электрон савдоларда амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди. Савдолар якунлари бўйича бюджет маблағлари иқтисоди 83 миллиард сўмга етди. Бунда давлат харидлари доирасида етказилган товарлар ва хизматларнинг 83 фоиздан ортиғи кичик бизнес объектлари улушига тўғри келди.

Иштирокчилар жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини таҳлилдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратдилар. Уларда анъанавий сотув усуллари электрон тижорат шакллари билан янада фаол ўзгартирилаётганига урғу берилди. Бинобарин, қонун лойиҳаси бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан Корея Республикаси, Сингапур, Канада каби давлатларда электрон тижорат соҳасидаги қонунчилик, тегишли халқаро ташкилотлар ҳужжатлари муфассал ўрганилиб, уларнинг якунлари давра суҳбатида ҳавола этилди.

— Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида электрон битимларни расмийлаштиришни янада соддалаштиришга ҳаракат қилинган, — деди қўмита аъзоси Ф. Солиев. — Ўз навбатида, унда интернет тармоғи орқали банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов механизмини жорий этиш имконини тақдим этиш масаласи ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳасида электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли орган, унинг ваколатлари ҳамда электрон тижорат субъектларига электрон битимларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи ахборот воситачилари таркибини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш назарда тутилаяпти.

Давра суҳбатида қонун лойиҳасида электрон тижоратда ахборотни ҳимоя қилишга доир талабларни белгилаш, электрон тижорат иштирокчилари, айнан электрон тижорат тизими орқали экспорт қилувчи кичик бизнес субъектларига солиқ, божхона имтиёзлари ҳамда енгилликлари бериш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республикада электрон тижоратни янада кенг жорий этиш, савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (транзакцион харажатлар)ни камайтиради. Электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этади. Сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун шароит яратади. Жумладан, бозорда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлишида муҳим омилга айланиши мумкин. Қолаверса, у тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити янада яхшиланиши, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга қўшимча имкон беради.

Тадбир якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**



Навоий вилояти: Аму-Бухоро машина канали тизимида “Қуйимозор-2” янги насос станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Франциялик олим Жан Тироль Нобель мукофотининг иқтисодиёт йўналишида ғолиб сифатида эълон қилинди.*

## Мукофотга лойиқ кўрилган тадқиқот

Тулуза университети мутахассиси бозорни бошқариш йўналишида олиб борган тадқиқоти учун ана шундай юксак эътирофга лойиқ кўрилган.

Айтиш жоизки, мазкур мукофотнинг иқтисодиёт бўйича ғолиби Альфред Нобель жамғармаси ҳисобидан тақдирланмайди. Чунки ушбу йўналиш 1969 йилда Швеция Марказий банки томонидан олим шарафига ташкил этилган. Молия муассасасининг маълум қилишича, жорий йилги мукофот пули 880 минг еврога тенг.

## Зилзила юз берди

*Индонезия соҳилларида зилзила юз берди.*



Кучи 5,3 баллга тенг бўлган ер силкинишининг маркази Банда денгизида, Саумлака шаҳридан 224 километр шимоли-ғарбда қайд этилган.

Табиий офат цунами келтириб чиқармаган. Жабрланганлар ва вайроналар ҳақида маълумотлар йўқ.

## Сабаби номаълум

*Нью-Жерси штатидаги кимёвий заводда портлаш рўй бергани натижасида уч киши тан жароҳати олди.*



Бундан ташқари, атрофга кўп миқдорда зарарли моддалар тарқалган. Шу боис маҳаллий маъмурият фуқароларни иложи борича деразаларни очмасликка ва кўчага чиқмасликка чақирган.

Мунаки шаҳрида жойлашган "Crest Foam Industries" компаниясига тегишли ушбу корхонада портлаш нимадан келиб чиққани маълум эмас. Бунга ойдинлик киритиш мақсадида завод фаолияти вақтинча тўхтатилган.

## Нархи арзонлашса ҳам...

*Жаҳон бозорида бир баррель нефть нархи 88 АҚШ долларигача пасайди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*




Бу жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатлари жуда суст бораётгани билан изоҳланмоқда. Таҳлиллардан маълум бўлишича, сўнгги уч ой ичида "қора олтин" қиймати 20 фоиз тушиб кетди. Ушбу маҳсулот охирги бор 2010 йилда ана шундай паст баҳода сотилган эди.

Мазкур ҳолатга қарамай, Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)га аъзо давлатлар маҳсулот қазиб олиш ҳажмини қисқартириш ҳақида ўйламаяпти. Масалан, энг йирик ишлаб чиқарувчи — Саудия Арабистони углеводород хом ашёси нархи 80 АҚШ долларига тушган тақдирда ҳам, бозордаги мавқеини бой бермаслик учун икки йил давомида мазкур қийматда маҳсулот етказиб беришга тайёрлигини билдирган. Кувайт нефть вазири эса маҳаллий матбуотга берган интервьюсида 76-77 АҚШ долларини ҳам мақбул баҳо, дея таъкидлаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● ЭЪЛОНЛАР ●

## Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бозорининг якунлари (2014 йил январь — сентябрь ойлари натижаларига кўра)

**Республикамиз суғурта бозорида 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами мазкур мажбурий суғурта тури бўйича 1 442 635 дона суғурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 105,5 фоизни ташкил этди. Ушбу давр мобайнида қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми жами 9 839,1 млрд. сўмга (116,7 фоиз) тенг.**

**2014 йилнинг январь — сентябрь ойлари мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами 4 139 дона (119,3 фоиз) умумий суммаси 6 759,0 млн. сўмга (128,7 фоиз) тенг суғурта даъволари қаноатлантирилган бўлиб, 40 дона (88,9 фоиз) умумий суммаси 101,1 млн. сўмлик (94,5 фоиз) суғурта даъволари қаноатлантирилмасдан қолдирилди.**

### Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари кесимида асосий кўрсаткичлар

| Т/р | Суғурта компаниялари | Тузилган суғурта шартномалари сони (дона) | | | Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм) | | | Қондирилган суғурта даъволари (млн. сўм) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Улуши | Ўтган йилдагига нисбатан | Жами | Улуши | Ўтган йилдагига нисбатан | Жами | Улуши | Ўтган йилдагига нисбатан |
| 1. | «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) | 561 402 | 38,9% | 99,1% | 16 845,4 | 33,5% | 107,5% | 1 415,8 | 20,9% | 118,4% |
| 2. | «Кафолат» ДАСК (АЖ) | 247 009 | 17,1% | 102,0% | 9 194,9 | 18,3% | 112,1% | 1 474,7 | 21,8% | 142,9% |
| 3. | «Ўзбекинвест» ЭИМСК | 62 172 | 4,3% | 92,4% | 2 430,5 | 4,8% | 101,3% | 293,0 | 4,3% | 152,2% |
| | **Давлат улуши мавжуд компаниялар бўйича, ЖАМИ:** | **870 583** | **60,3%** | **99,4%** | **28 470,8** | **56,6%** | **108,4%** | **3 183,5** | **47,1%** | **131,6%** |
| 4. | АЖ СТ «Alfa Invest» | 159 088 | 11,0% | 198,6% | 6 059,1 | 12,1% | 212,3% | 892,2 | 13,2% | 106,8% |
| 5. | АЖ «Kapital Sug'urta» | 114 905 | 8,0% | 93,3% | 4 799,6 | 9,5% | 103,0% | 1 358,8 | 20,1% | 148,8% |
| 6. | АЖ «Alskom» СК | 126 531 | 8,8% | 110,6% | 4 162,4 | 8,3% | 116,8% | 456,0 | 6,7% | 118,2% |
| 7. | МЧЖ «Asia Inshurans» СК | 86 842 | 6,0% | 106,6% | 3 500,6 | 7,0% | 116,1% | 384,2 | 5,7% | 88,5% |
| 8. | АЖ «Universal Sug'urta» | 57 882 | 4,0% | 95,9% | 2 210,4 | 4,4% | 107,7% | 152,8 | 2,3% | 116,7% |
| 9. | «Ishonch» БСК МЧЖ | 26 804 | 1,9% | 82,8% | 1 062,9 | 2,1% | 91,5% | 331,4 | 4,9% | 251,1% |
| | **Бошқа компаниялар бўйича, ЖАМИ:** | **572 052** | **39,7%** | **116,3%** | **21 795,0** | **43,4%** | **125,9%** | **3 575,5** | **52,9%** | **126,3%** |
| | ЖАМИ | 1 442 635 | | 105,5% | 50 265,8 | | 115,4% | 6 759,0 | | 128,7% |

Ҳудудлар кесимида йиғилган суғурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилиб келмоқда. Ушбу ҳудудлар мос равишда суғурта бозорининг 27,3 фоиз ва 10,0 фоиз улушини эгаллаган. Энг кам улушлар Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб, мос равишда 1,4 фоиз ва 2,1 фоизни ташкил қилган. Қолган ҳудудлар улушлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

### Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикамиз ҳудудлари кесимида

| Т/р | Ҳудудлар | Тузилган суғурта шартномалари сони (дона) | | | Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм) | | | Қондирилган суғурта даъволари (млн. сўм) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Улуши | Ўтган йилдагига нисбатан | Жами | Улуши | Ўтган йилдагига нисбатан | Жами | Улуши | Ўтган йилдагига нисбатан |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 61 909 | 4,3% | 107,3% | 1 615,7 | 3,2% | 123,4% | 121,8 | 1,8% | 334,4% |
| 2. | Андижон вилояти | 106 491 | 7,4% | 105,2% | 3 475,5 | 6,9% | 110,5% | 211,5 | 3,1% | 140,7% |
| 3. | Бухоро вилояти | 108 352 | 7,5% | 102,5% | 3 231,3 | 6,4% | 119,5% | 56,2 | 0,8% | 86,9% |
| 4. | Жиззах вилояти | 40 887 | 2,8% | 110,3% | 1 039,2 | 2,1% | 129,8% | 101,4 | 1,5% | 305,5% |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 108 984 | 7,6% | 107,8% | 2 967,9 | 5,9% | 120,3% | 89,8 | 1,3% | 273,8% |
| 6. | Навоий вилояти | 48 705 | 3,4% | 106,9% | 1 435,0 | 2,9% | 117,8% | 22,7 | 0,3% | 94,5% |
| 7. | Наманган вилояти | 91 460 | 6,3% | 110,6% | 3 020,3 | 6,0% | 119,1% | 184,5 | 2,7% | 122,3% |
| 8. | Самарқанд вилояти | 148 001 | 10,3% | 108,5% | 4 948,3 | 9,8% | 116,4% | 144,6 | 2,1% | 215,0% |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 66 638 | 4,6% | 102,9% | 1 887,5 | 3,8% | 115,8% | 62,0 | 0,9% | 126,0% |
| 10. | Сирдарё вилояти | 27 600 | 1,9% | 99,4% | 688,5 | 1,4% | 105,2% | 170,7 | 2,5% | 173,5% |
| 11. | Тошкент вилояти | 138 633 | 9,6% | 91,4% | 5 030,5 | 10,0% | 96,1% | 918,8 | 13,6% | 164,9% |
| 12. | Фарғона вилояти | 133 770 | 9,3% | 104,2% | 4 956,2 | 9,9% | 113,5% | 106,8 | 1,6% | 146,9% |
| 13. | Хоразм вилояти | 84 756 | 5,9% | 107,2% | 2 263,5 | 4,5% | 121,6% | 47,8 | 0,7% | 126,0% |
| 14. | Тошкент шаҳри | 276 449 | 19,2% | 111,1% | 13 706,3 | 27,3% | 120,2% | 4 520,5 | 66,9% | 116,6% |
| | **ЖАМИ** | **1 442 635** | | **105,5%** | **50 265,8** | | **115,4%** | **6 759,0** | | **128,7%** |

2014 йилнинг 9 ойи мобайнида суғурта компаниялари томонидан суғурта мукофоти бўйича 33 930 суғурта қилдирувчига 680,4 млн. сўмга тенг сийловлар берилган. Ушбу давр мобайнида Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурта компаниялари жамғармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 32 634 суғурта шартномаси бўйича 497,77 млн. сўмга тенг сийловлар компенсация қилинди. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисасида жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 258 та илтимоснома бўйича 505,01 млн. сўмга тенг миқдорда компенсация тўловлари амалга оширилди.

**Маълумотлар суғурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди.**


## Диққат! Ҳурматли транспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчилар!

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига кўра, суғурта қопламаси ва компенсация тўловини олиш бўйича барча мурожаатларни кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

Суғурта компаниясининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори сизга суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаатингиздан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки мазкур тўловларни тўлашни асослантирилган тарзда рад этиш тўғрисидаги қарор Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан сиз илтимоснома билан мурожаат этган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида қабул қилинади.

Сиз томонингиздан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати Қонунда аниқ белгиланган ва бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин эмас.

Йўл-транспорт ҳодисасида етказилган зарарнинг мажбурий суғурта орқали қопланиши ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларингиз юзасидан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармасига мурожаат этишингиз мумкин.

**Ишонч телефони: (0-371) 239-42-72.**
**www.tkj.uz**

1639А/153

***Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармаси.***



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан, Бухоро вилояти ФИБ Бухоро туманлараро судининг 2014 йил 27 июндаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Афшормаҳалла кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400,0 кв.м.дан иборат савдо дўкони ва омборхона такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 175 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 28 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Давлат рақобат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

1637А/1453

Хизматлар лицензияланган.



## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2014 йил 17 январдаги 470/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14 мавзеси, 15-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 71,92 кв.м., фойдаланиш майдони 41,76 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонасидан иборат 4-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 116 334 211 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йилнинг 18 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдоларига **1)** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 26 майдаги 1-3685/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор Г9-«А» мавзеси, 16-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 69,18 кв.м., яшаш майдони 40,50 кв.м. бўлган 3 та яшаш хонасидан иборат 46-хонадон қўйилмоқда.

**2)** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Чирчиқ туманлараро судининг 2014 йил 10 июндаги 5268/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Ён-арик» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1,764 га., қурилиш ости майдони 1761,18 кв.м.дан иборат бўлган молхона биноси ва иншоотлари қўйилмоқда.

**I) Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан,**

**1)** Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бўлган, бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари қўйилмоқда.

**2)** Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м. бўлган, 2 қаватли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси яшаш ҳолатига келтирилиб қайта таъмирланган дала-ҳовли қўйилмоқда.

**3)** Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м. бўлган, 4 та бино ва 2 та ҳовуздан иборат чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

**4)** Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми бўлган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари қўйилмоқда.

**5)** Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м.дан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари қўйилмоқда.

**6)** Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм бўлган, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м.ни ташкил этиб, ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади) қўйилмоқда.

**7)** Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ-қовоқ» ҚФЙ., «Оқ-олтин» маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м.дан иборат дала-ҳовли қўйилмоқда.

Такрорий аукцион савдолари 2014 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд туман (шаҳар) ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1638А/562

Хизматлар лицензияланган.



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-микрорайон, Занжирсарой шоҳкўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган, супермаркет биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 125 263 400 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 29 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси, 20-уй. Тел.: (0-375) 225-44-58, www.1kms uz**

1636А/1453

Хизматлар лицензияланган.



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қизилтепа тумани СИБ томонидан, Навоий вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 19 мартдаги 21-1205/555-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Улуғбек Комилов паррандаси» ФХга тегишли, Қизилтепа шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий ер майдони 66481,0 кв.м., ишчи майдони 1139,58 кв.м., умумий майдони 1115,04 кв.м. бўлган механика цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 282 700 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 14 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 12 ноябрь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТ «Ипотека-банк»нинг Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: (0-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

1631А/1453

Хизматлар лицензияланган.


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси Ижтимоий соҳа объектларини бошқариш кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори Улуғбек Сайдиевга волидаи муҳтарамаси

**НАЗИРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси физика-математика фанлари номзоди, институт касаба уюшма қўмитаси раиси Зайниддин Муротовга турмуш ўртоғи

**Эргашой ая МУРОТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти Ҳабибулло Аҳмедовга падари бузруквори

**НАЖРУЛЛО отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Жанубий Кореянинг "Samsung" корпорацияси "Wi-Fi" технологияси орқали маълумотларни сониясига 4,6 гигабайт тезликда узатиш имконини берувчи янги модификацияни ишлаб чиқди.

# Ўзбекистон банк тизими: АҲОЛИНИНГ ИШОНЧИ ОШИБ БОРМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтайлик, Ўзбекистонда банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан ошиб, белгиланган талабдан 2,2 баробар ортиқ бўлгани, кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келаётгани, банкларнинг жами депозитлар ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 112 баробар, охирги 6 йилда эса 6,7 марта ортгани, банкларнинг жами активлари миқдори 2013 йилдаги 30 фоиздан охирги 13 йилда 46 баробардан зиёдга, сўнгги 6 йилда эса 4,7 баробар кўпайгани бунинг ёрқин далилидир.

Юртингиз банк тизими фаолиятини ўрганиш давомида яна шунга амин бўлдикки, бошқа давлатлар банк тизими кўрсаткичлари билан солиштирганимизда, Ўзбекистонда ўрта синф вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш даражаси анча юқоридир. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилаётган кредитлар салмоғи йилдан-йилга ортаётгани ёки ўтган 10 йил мобайнида 22 баробар ўсганининг ўзи эътиборга молик кўрсаткич саналади. Бу эса банкларнинг ресурс манбаи йил сайин мустаҳкамланиб, ишбилармону тадбиркорларга катта йўл очилаётганини англатади.

Мамлакатингиз банк тизимининг 2014 йилнинг ўтган 9 ойи таҳлиллари шуни кўрсатадики, кредит портфелини соғломлаштириш борасида барча зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ресурс базаларининг ойма-ой мустаҳкамланиб боришига имконият яратилган. Банкларда ресурс тақчиллигига йўл қўйилмаган. Бундай муваффақиятлар, албатта, ўз-ўзидан келмайди. Бу, шубҳасиз, давлатингиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижроси банк тизими томонидан ўз вақтида, изчил, сифатли ва тўлиқ бажарилиб келинаётганлиги натижасидир.

Таҳлилчиларимиз банкларингиз фаолиятини ўрганиш асносида, албатта, ҳар томонлама баҳо бериш учун барча йўналишларга асосий эътиборни қаратди. Чунончи, юртингизда самарали фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар билан ҳам суҳбат ўтказилганда, улар банкларингиз кўрсатаётган хизмат турларидан мамнунлигини, фоиз ставкасининг пастлиги, энг муҳими, қулай инвестицион муҳит яратилганлиги молиявий муассасаларга бўлган ишончни мустаҳкамлаётганини изҳор этишди.

Ҳақиқатан ҳам, банкларингизда ишбилармон ва тадбиркорлар учун яратилган шароитлар эътиборга молик. Кредит олиш механизмлари ҳар йили соддалаштирилиб борилаётгани, асосийси, банкларингиз томонидан фоиз сиёсати тўғри юритилаётганлиги юртингиз тадбиркорлари фаолияти ривожида қўл келмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шуки, йил номи доирасида ишлаб чиқилган Давлат дастури, саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда кредит олишнинг ҳам тартиб-қоидаси борлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Гап шундаки, тижорат банки ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотдир. Яъни у ҳам даромад олиши, ходимларига ойлик маош бериши, тегишли солиқ тўловларини тўлаши ва, албатта, банкка ишониб топширилган пул маблағларини ўз эгаларига бекаму кўст қайтариши лозим. Бунинг учун кредитлар қонунчиликда белгиланган тартибда таъминотсиз берилмаслиги, кредит олган мижоз ундан самарали фойдаланиб, уни ўз вақтида узиши шарт. Шу билан бирга, кредит олувчи банкка қайтарилган маблағдан бошқа бир тадбиркор ҳам фойдаланишини ёдда тутиши зарур. Аксарият давлатларнинг банк тизимларида ушбу қоидалар унутилгани, натижада кредит портфелининг эллик фоизидан кўпи муаммоли кредитлар улушига тўғри келаётганлиги ачинарли ҳолдир. Аниқроқ айтганда, уларда банкдан кредитлар олишда сифатсиз таъминотнинг гаровга қўйилиши ёки зарар билан ишлаётган корхоналарнинг кафиллиги асосида кредитлар ажратилиши катта йўқотишларга олиб келмоқда. Албатта, бундай ёндашув билан ишлаш банкнинг банкрот бўлиши билан бирга, мамлакатнинг тўлов қобилияти пасайишига ҳам олиб келса, айрим рейтинг компаниялари томонидан баъзи давлатларнинг банк тизимларига қониқарсиз рейтинг баҳосини бериб келаётганлиги эса ўша мамлакатларнинг иқтисодиёти ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш керакки, юртингиз банк тизими раҳбарияти томонидан банклар фаолиятини самарали бошқаришда қатъий бир тизим ўрнатилганлиги уларнинг муваффақиятли ишлаши, пировардида давлатингиз ривожида асосий ўринни эгаллашига кенг йўл очмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бугун юртингизда ресурс базаси мустаҳкам бўлган, ишончли ва кафолатланган банк тизимининг самарали ишлаётгани Ўзбекистоннинг энг катта ютуғидир. Шунинг учун ҳам юртингиз тадбиркорлари улкан муваффақиятларга эришиб, мамлакатингиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Компаниямиз томонидан Ўзбекистон банк тизимига берилган юқори рейтинг баҳо эса барча йўналишлар пухта ўрганилган ҳолда, ҳар томонлама ҳаққоний ва муносиб берилган баҳо эканлигини яна бир карра тасдиқлаймиз.

**Жинг Ёнг ВУ,**
**БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котибининг маданият ва туризм бўйича маслаҳатчиси:**

— Ўзбекистонда туризм соҳаси ҳам тез ривожланмоқда. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 99-сессияси ўтказилиши учун Ўзбекистон танланганининг боиси шунда. Мазкур анжуман ниҳоятда юқори савияда ташкил этилди. Унинг доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, ҳудудларда сайёҳлик бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Хусусан, ҳашаматли меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари бизни ҳайратга солди. Тадбиркорлардан "Бундай ютуқларга қандай қилиб эришдингизлар?" деб сўраганимизда, улар "Банкларнинг имтиёзли кредитлари эвазига", дейишди. Тадбир ўтаётган кунларда кўпчилигимиз ушбу шаҳарларда тадбиркорларга хизмат кўрсатаётган тижорат банкларида ҳам бўлдик ва улар томонидан мижозларга қулай муҳит яратилгани, банк ва тадбиркор яқин ҳамкорликда ишлаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Мана, юртингизда туризм соҳаси жадал тараққий этиб, меҳмонларга юқори даражада хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганининг бош омили!

Қисқача айтганда, давлатингиз раҳбарининг оқилона юритаётган сиёсати ўзбек халқининг бахтли яшашини таъминламоқда. Шундай экан, Ўзбекистон келажаги буюклигига ишонаман.

**Берт МОССЕЛМАНС,**
**«Весалиус» коллежининг ректори, профессор**
(Бельгия):

— Юртингизга кўп маротаба ташриф буюрганман. Бу ерда давлатингиз раҳбари томонидан ёшларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги ҳар гал эътиборимни тортиб келган. Шу сабабли бугунги ўзбек ёшлари билимли, зукко ва ташаббускорлиги билан хориж ёшларидан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларидаги коллежларда амалга оширилаётган ишларни ўргандим. Коллежлар битирувчиларига ўзларининг хусусий корхоналарини ташкил этиш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишда ёрдам бериш борасида банкларингиз томонидан олиб борилаётган ишлар, айниқса, менда катта таассурот қолдирди. Суҳбат асносида коллежларни битирган ўзбек ёшлари учта йўналишга бўлинишини билиб олдим. Биринчиси — ўзи севган касби бўйича олий ўқув юртига кириб ўқишни давом эттириш, иккинчиси — хусусий корхона очиб, тадбиркорлик фаолиятини юритиш, учинчиси — корхона ва ташкилотда ўз касби бўйича меҳнат фаолиятини давом эттириш. Бундай тажрибани, тўғрисини айтганда, бошқа давлатларда кўрмаганман.

Хусусан, кўҳна ва навқирон Бухоро вилоятидаги коллежларни ўтган йили тугатиб, банкнинг молиявий кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган ёшларга ҳавасим келди. Юртингизда банклар томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар ёшлар учун улкан имкониятдир.

Бундан ҳам муҳимроғи, кечагина коллежни битириб, касб-ҳунар эгаси тутган ҳолда, бугун ўз мулки, ўз маблағи ва куч-қудратига эга бўлган йигит-қиз пировардида миллатнинг бир тадбиркори сифатида шаклланаётгани — сизнинг энг катта бойлигингиз.

Ўзбекистондан ана шундай бой таассуротлар билан юртимга қайтиш менга катта ғурур бағишлайди.

**Хадича МИРЗАЕВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**
(Наманган вилояти):

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлаётган оламшумул ўзгаришларни кўриб, инсон борки, ғурур ва ифтихорга тўлади, яшаган сари яшагиси, изланган сари излангиси келади. Халқимиз тинч-осуда ва бахтли ҳаёт кечирмоқда, Ўзбекистонимиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, талабчанлиги, фидойи меҳнати туфайли тобора ривожланиб, дунёга юз тутмоқда.

Қишлоқларда эса халқимиз банкларнинг амалий ёрдами билан кичик корхоналар очиб, оиласи фаровонлигини таъминлаётган бўлса, коллежларни кечагина битирган ёшларимиз бугун банкларнинг имтиёзли кредитлари ҳисобидан хусусий корхона раҳбари бўлиб, ҳатто тенгдошларини ҳам ишга жалб этмоқда.

Бизнинг фермер хўжалигимиз пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланади. Бу борада банкларимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги режаларимизни ошириб бажариш ва даромадимизни кўпайтиришда катта мадад бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республика Марказий банки раҳбарияти томонидан тадбиркорлар, фермерлар, шу жумладан, ёшлар иштирокида амалий учрашувлар ўтказиб келинаётгани кутилган самараларни бермоқда. Банклар томонидан шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида биргина туманимиз тадбиркорлари, фермерлари ва ёшларига жами 13 млрд. сўмликдан зиёд кредитлар берилгани, аниқроғи, ҳудудимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун 3,1 млрд. сўмлик, коллеж битирувчилари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 326 млн. сўмлик, аёлларимиз тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1,6 млрд. сўмлик, хизмат кўрсатиш соҳаси учун 1,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Қолаверса, банк тизимининг ана шундай амалий ёрдами туфайли вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам юзлаб замонавий ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилмоқда, фермер хўжаликлари оёққа турмоқда, қишлоқларимиз тобора чирой очмоқда, минглаб ўғил-қизларимиз, юртдошларимиз эса иш ўринларига эга бўлишмоқда. Бундан қувонмай бўладими?!

Шунинг учун ҳам, вилоятимиз аҳолисининг банкларга бўлган ишончи кун сайин ошиб бормоқда. Қисқаси, банк тизимидан барчамизнинг кўнглимиз тўқ.

**Муҳаббатхон ЮЛДАШЕВА,**
**"Капитал белла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари**
(Андижон вилояти):

— "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиалига 300 млн. сўмлик кредит олиш учун мурожаат қилиб, ариза, бизнес-режа ва тегишли таъминотни тақдим этдим. Ходимлар қисқа муддат ичида зарур сармояни ажратиб беришди. Айтмоқчиманки, банкдан кредит олиш муаммо эмас. Бунинг учун ортиқча аралашувга ҳам ҳожат йўқ. Бироқ банк маблағидан самарали фойдаланишни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

Бу ҳақда тўхталишимдан мурод шуки, биз кредит эвазига Хитой давлатидан пайпоқ тўқишга ихтисослаштирилган 12 та энг замонавий дастгоҳни олиб келиб ўрнатдик. Янги технологиянинг афзалликлари кўп. Бир мисол. Атиги бир нечта детални алмаштириш орқали маҳсулот турини мавсумга қараб ўзгартириш мумкин. Бу эса корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминламоқда. Натижада кунига 3 минг дона болалар, аёллар ва эркаклар пайпоқлари ишлаб чиқарилаяпти. Уларнинг дизайни бежирим, сифати юқори, таннархи эса арзон бўлгани учун хорижлик харидорларга ҳам манзур.

Биз, шунингдек, республика Марказий банки томонидан яратиб берилаётган имкониятлар туфайли эндиликда маҳсулотларимизни хорижга ҳам экспорт қилишни йўлга қўяяпмиз. Бу, албатта, банк мижози бўлишнинг шарофатидир.



**Фурқат ҲАСАНОВ,**
**"Мир-Улуғбек-МХ" МЧЖ раҳбари**
(Жиззах вилояти):

— Корхонамизда илгари калиш ишлаб чиқарилар эди. Аммо хом ашё бошқа мамлакатлардан келтирилиши сабабли уларни етказиб беришда узилишлар бўлгач, фаолиятимиз тўхтаб қолди. Биномизни ижарага беришга тўғри келди. Қарангки, боши берк кўчадан чиқишнинг иложини тополмай юрганимизда, Жиззах вилоятининг хизмат кўрсатиш ва саноат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган Ҳукумат мажлиси қарори асосида тайёрланган дастурга жамоамиз ҳам киритилганлиги бизга руҳ бағишлади. "Ипотека-банк"нинг Жиззах вилояти филиалининг молиявий кўмаги эса ишлаб чиқаришни кескин юксалтиришимизга кўмаклашди.

Дастлаб 741,2 миллион сўмлик кредит олиб, бу маблағ эвазига Хитойнинг «Huoeruos Import and Export Trade CO. LTD» компаниясидан пайпоқ ишлаб чиқарадиган технологик линияни келтирдик. Ички бозорни маҳсулотимиз билан тўлдиришга киришганимизда, яъни беш ойдан сўнг бизга бир йил муддатга хом ашё ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун 120 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ушбу қарзни ҳам ўз вақтида тўладик. Банкдан яна 1,2 миллиард сўм миқдорида кредит олиб, «ZX-6F» русумли 42 та дастгоҳ харид қилдик. Айни пайтда уларнинг ёрдами билан пайпоқ ва болалар кийимлари ишлаб чиқараяпмиз.

Янги лойиҳа шарофати туфайли 50 та иш ўрни яратилди. Юқори технологик ускуналарни бошқараётган аёллар сони 37 тага етди. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежининг 26 нафар битирувчиси муқим ишга эга бўлди.

Мухтасар айтганда, "банк — мижоз" тамойили амалда ўзини оқламоқда.

**Муҳаммаджон АРИПОВ,**
**"BIO SUT" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси раҳбари**
(Тошкент вилояти):

— Ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни кичик бизнес равнақисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, мазкур соҳа оилавий даромад манбаи, фаровон турмуш кафолати бўлгани боис у кирмаган тармоқ қолмади ҳисоб. Пировардида ички бозоримиз импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда.

Бизнинг корхонамиз бундан 14 йил аввал ташкил этилган. Ўшанда беш нафар ишчи билан 4-5 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир 30 кишининг фидойи меҳнати туфайли маҳсулотларимиз тури 40 тага яқинлашиб қолди. Бундай муваффақиятларга эришишимизда "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорлик ўрнатганимиз муҳим омил бўлди, албатта. Нега деганда, ушбу банкнинг 234 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобидан цехларимизни илғор ускуналар билан жиҳозладик. Бу эса харидорларга сифатли, тезкор хизмат кўрсатишимизга туртки бермоқда.

**Лола АЛИЕВА,**
**«Lola darmon shifo» хусусий корхонаси раҳбари**
(Навоий вилояти):

— Корхонамиз уч йил муқаддам Зарафшон шаҳри ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган. Йўналишимиз — аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш. Ходимларимиз ультратовуш ускуналари ёрдамида мижозларга ташхис қўйишади. Бундан ташқари, дори-дармонлар ҳамда бошқа тиббий маҳсулотларни сотиш билан ҳам шуғулланамиз.

Акциядорлик тижорат "Ипотека-банк"нинг Зарафшон филиалига қарашли Зарафшон минибанкида ҳисоб рақамимиз очилган. Унинг ишхонамиз яқинида жойлашгани бизга ҳар томонлама қулайлик туғдиради. Бу ерда малакали мутахассислар ишлайди. Кўрсатилаётган хизматлар эса бугунги кун талабларига мос.

Биз уч йил муддатга 60 миллион сўм миқдорида кредит олган эдик. Ушбу маблағ ҳисобидан замонавий "Shison ivis" русумли 3D-ультратовуш ускунасини харид қилдик, аҳолига малакали хизмат кўрсатиш учун қўшимча иккита мутахассисни ишга жалб этдик.

Бу йил ҳам банк ходимлари билан ҳамкорликни давом эттирамиз. Сабаби, Томди туманининг Даугизтоғ ва Мурунтоғ қишлоқлари аҳолиси ҳам хизматимиздан фойдалансин, деган ниятдамиз. Ҳозирги кунда Зарафшон филиали раҳбарлари билан келишган ҳолда "Соғлом бола йили" Давлат дастурини бажариш мақсадида янги тиббиёт ускунаси ўрнатилган "Дамас" машинасини сотиб олиш бўйича бизнес-режа тайёрлаяпмиз. Бу лойиҳамиз ҳам тез орада рўёбга чиқишига қатъий ишонамиз.

**Раҳматилла ЮЛДАШЕВ,**
**Наманган вилояти, Уйчи туманидаги "Озодбек Сардорбек боғи" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Анча йиллардан бери боғ яратиш, пировардида юртимиз ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга ўз ҳиссамни қўшиш орзусида юрардим. Шу мақсадим "Агробанк"нинг Уйчи филиали жамоаси ёрдами орқали ушалди. 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига 10 минг туп олма ва олхўри кўчатларини келтириб ўтқаздик. Бу йил эса ҳосил ҳар қачонгидан мўл бўлди. Бундан руҳланиб, айни пайтда янги лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Негаки, "Агробанк"дек ҳамкоримиз бор экан, режамизнинг амалга ошиши аниқ.

Реклама ўрнида

**Рашида ЁДГОРОВА,**
**Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги "Сангзор" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолият турини кенгайтириб, чорвачилик, паррандачилик, полиз ва сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўзимиздан қиёс: халқимиз дастурхонини гўшт ва сут маҳсулотлари билан бойитишга астойдил бел боғлаб, шу мақсадда "Асака" банкининг Жиззах вилояти филиалига мурожаат қилдик. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур миқдордаги кредитни ажратиб бергач, 66 бош зотдор қорамол олиб келдик. Бу билан йилига ўртача 500 миллион сўмлик юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилган бўлса, яна 11 киши доимий ишга жалб қилинди.

Келгусида эса сутни қайта ишлаш линияларини ўрнатишни мўлжаллаб турибмиз. Ана шунда иш ўринлари 20 тага кўпаяди.

**Давлот АМИНОВ,**
**"Хонқа-паррандачилик" МЧЖ раҳбари**
(Хоразм вилояти):

— Яқинда биз, хоразмлик бир гуруҳ тадбиркорлар Европанинг қатор давлатларида бўлиб қайтдик. Кўплаб фирмалар фаолияти билан танишиб, мутасаддилар билан замонавий технологиялар сотиб олиш бўйича келишувга эришдик.

Ҳозирги кунда жамиятимизда 50 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг нияти битта: сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш. Бунинг учун, албатта, кам ишчи кучи сарфланадиган, илғор технологияга асосланган линия зарур эди. Режамизни амалга ошириш учун Германиядаги "Big Dutchman international GmbH" корхонаси билан шартнома туздик. Маблағ масаласида бизга "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали катта ёрдам берди. Натижада товуқ ва жўжа боқишга ихтисослаштирилган корхона ишга туширилди, 45 кишининг бандлиги таъминланди. 2013 йилда 32 миллион дона тухум ва 80 тоннадан зиёд парҳез гўшт етиштирилган бўлса, бу йил ютуқларимиз янада мустаҳкамланади.

**Бахтиёр СУЛТОНОВ,**
**"Эко-Пластекс" МЧЖ раҳбари**
(Фарғона вилояти):

— "Алоқабанк"дан 11,6 млрд. сўм миқдорида кредит олиб, Италия давлати ва Хитой Халқ Республикасидан полиэтилен тасма, баргак ҳамда синтетик тола ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар келтирган эдик. Ўтган йили корхонамиз томонидан 5,2 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шунинг 80 фоизи экспорт қилинди. 88 кишилик жамоамиз жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш пайидан бўлмоқда.

Очиғи, бизнинг бундай эзгу ниятимиз банкнинг молиявий кўмагида рўёбга чиқди. Шунинг учун "Алоқабанк" мутасаддиларига чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Носиржон АТАБАЕВ,**
**"Инвесттекс" қўшма корхонаси директори**
(Андижон шаҳри):

— Бизнинг корхонамиз 2000 йилда тузилган бўлиб, бугунги кунда, асосан, тикувчилик, тўқувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. 115 нафар ишчи-мутахассис иш билан банд. Маҳсулотимизнинг 70 фоизи экспортга йўналтирилган.

Сабаби, юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар доирасида биз бир неча марта тижорат банкларидан кредитлар олиб, уларни ўз муддатида қайтаришга муваффақ бўлганмиз.

Исботми? Ўтган йилнинг декабрь ойида "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан хом ашё, ускуна ва қурилиш материаллари харид қилиш учун 750 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Ушбу кредит эвазига корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш учун унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаяпмиз. Мақсадимиз — қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва экспорт ҳажмини оширишдан иборат.

Ҳамюртларимиз ва чет эллик мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан аён бўлаяптики, чиндан ҳам, мамлакатимизда банк тизими йил сайин ривожланиб, тобора такомиллашиб бормоқда. Банкларнинг ресурс базаси кенгаяётгани, ликвидлиги ва депозитлар ҳажми ошаётгани, жами активлари миқдори кўпаяётгани эса Ватан тараққиёти, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар, Давлат дастурларининг талаблари тизимда изчил амалга оширилаётганининг ёрқин ифодасидир, албатта.

***Марказий банк материаллари асосида Икром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.***

WWW.XS.UZ

Еттинчи халқаро Тошкент фотобиеннalesи якунланди. Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи томонидан ташкил этилган мазкур тадбир бир ҳафта давомида чинакам санъат байрамига айланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5